**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI**
**TOSHKENT TUMANLARARO**
**IQTISODIY SUDI**
*100097, Toshkensh., Cho'pon-ota 6.*

**ТАШКЕНТСКИЙ МЕЖРАЙОННЫЙ**
**ЭКОНОМИЧЕСКИЙ СУД**
**РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**
*100097, г.Ташкент, ул.Чупан-ота, д.6.*

*Tel: 998 (71) 288-39-97 Fax:998 (71) 273-27-68* *www.sud.uz эл.почта: i.toshkent@sud.uz*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

# ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

**Тошкент шаҳри** **2018 йил 3 апрель** **10-1610/6010-сонли иш**

Тошкент туманлараро иктисодий судининг судьяси F.Машкуров раислигида, Д.Ешановнанинг котиблигида, даъвогар — "ICE AND GOLD" МЧЖнинг жавобгар Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва ракобатни ривожлантириш Давлат кўмитасининг 2015 йил 24 декабрдаги 15/19-23-сонли карори ва ушбу карорни ижро этиш бўйича берилган кўрсатмасини хакикий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво аризаси ва унга илова килинган ҳужжатларни ишга низо предметига мустакил талаблар билан арз килмайдиган учинчи шахс сифатида Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигини жалб килган ҳолда аризачи вакили — М.З.Насиров (26.02.2018 йилдаги ишончнома асосида) иштирокида очик суд мажлисида кўриб чиқиб, куйидагиларни

**АНИКЛАДИ:**

Даъвогар "ICE AND GOLD" МЧЖ иктисодий судга мурожаат килиб, жавобгар Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва ракобатни ривожлантириш Давлат кўмитасининг 2015 йил 24 декабрдаги 15/19-23-сонли карори ва ушбу карорни ижро этиш бўйича берилган кўрсатмасини хакикий эмас деб топишни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар вакили аризани қўллаб-кувватлаб уни қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар ва учинчи шахс вакиллари суд муҳокамаси вакти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор бўлса-да, суд мажлисида иштирок этмади.

Суд Ўзбекистон Республикаси Иктисодий процессуал кодексининг 128, 170-моддаларига асосан жавобгарнинг иштирокисиз кўриш мумкин деган хулосага келди.

Суд, тараф вакилнинг важларини тинглаб, иш материалларини ўрганиб, куйидаги асосларга кўра даъвогарнинг даъво талабини тўлик каноатлантиришни, ишни кўриш билан боғлиқ суд харажатларини жавобгардан ундиришни лозим топади:

Иш ҳужжатларидан кўринишича, 2015 йилнинг сентябрь ойида "ICE AND GOLD" МЧЖ томонидан "LB ITALIA S.R.L" (Италия) компаниясидан CA 320 DV ва RCK 320 дан иборат ускуналар жамланмаси сотиб олинган ва чучвара ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Бирок кейинчалик маълум бўлишича, айнан шу ускуналар жамланмасини "Frozen Foods" МЧЖ ҳам "LB ITALIA S.R.L" (Италия) компаниясидан олдинрок, яъни 2012 йилда сотиб олиб, чучвара ишлаб чиқаришни йўлга қўйганлиги маълум бўлган.

Шунингдек, "Frozen Foods" МЧЖнинг "ICE AND GOLD" МЧЖга йўллаган 30.09.2015 йилдаги 30/09-сонли хатига кўра, юкоридаги ускуналарда ишлаб чикариладиган "чучваралар"нинг саноат намунасига нисбатан "Frozen Foods" МЧЖ томонидан 17.09.2014 йилда SAP 01346-сонли патент олинганлиги маълум килинган.

Мазкур ҳолат бўйича, "Frozen Foods" МЧЖЎзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш Давлат кўмитасига мурожаат қилиб, "ICE AND GOLD" МЧЖ томонидан "Frozen Foods" МЧЖга тегишли бўлган саноат намунасига нисбатан патентидан ноқонуний фойдаланиб келаётганлиги кўрсатилган.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INTELLEKTUAL MULK
AGENTLIGI 802
№ ......
Sana 18 APR 2018

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш Давлат кўмитасининг 15/19-23-сонли иш бўйича 2015 йил 24 декабрдаги карори билан "ICE AND GOLD" МЧЖ Ўзбекистон Республикаси "Ракобат тўғрисида"ги Қонунининг 13-моддаси 3-банди талабларини бузган деб топилган ва "ICE AND GOLD" МЧЖга нисбатан "Frozen Foods" МЧЖга тегишли бўлган, SAP 01346-сонли патентдан ноқонуний фойдаланишни тугатиш ҳамда келажакда бундай қонун бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида кўрсатма берилган.

Суд муҳокамаси давомида маълум бўлишича, даъвогар "ICE AND GOLD" МЧЖ шу кунга қадар Тошкент шаҳар маъмурий судига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги Апелляция кенгашининг2017 йил 16 февралдаги қарори ҳамда Агентлик томонидан 17.09.2014 йилда "Frozen Foods" МЧЖга "патент эгаси", Гуламов Шахобиддин Хуснидиновичга "саноат намунаси муаллифи" ҳуқуки билан берилган SAP 01346-сонли патенти ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво ариза билан мурожаат этганлиги, Тошкент шаҳар маъмурий судининг 2017 йил 27 ноябрдаги хал килув қарори билан Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги Апелляция кенгашининг 2017 йил 16 февралдаги қарори ҳамда Агентлик томонидан 17.09.2014 йилда "Frozen Foods" МЧЖга "патент эгаси", Гуламов Шахобиддин Хусниддиновичга "саноат намунаси муаллифи" ҳуқуки билан берилган SAP 01346-сонли патенти ҳақиқий эмас деб топилганлигини аникланди.

Шунингдек, мазкур ҳал килув қарорининг устидан Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги Тошкент шаҳар маъмурий кассация инстанциясига шикоят келтирилганлиги, мазкур шикоят 05.03.2018 йилда кўриб чиқилиб, Тошкент шаҳар маъмурий судининг 2017 йил 27 ноябрдаги ҳал килув қарори ўзгаришсиз қолдирилганлиги, кассация шикояти қаноатлантирилмасдан қолганлиги маълум бўлди.

Ўзбекистан Республикасининг "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги қонунининг 8-моддасида, агар саноат намунаси сифатида кўрсатилган объект янги ва оригинал (ўзига хос) бўлса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

Агар саноат намунасининг муҳим белгилари мажмуи саноат намунасига устуворлик бериш санасига қадар жаҳонда оммага ошкор бўлган маълумотлардан аён бўлмаса, у янги деб эътироф этилади.

Саноат намунасининг янгилигини аниклаш чоғида бирмунча олдин устуворликка эга бўлган ҳолда топширилган ва чақириб олинмаган патент бериш ҳакидаги талабномалар ҳам ҳисобга олинади.

Саноат намунаси, агар унинг муҳим белгилари мажмуи буюм хусусиятларининг ижодий жиҳатлари билан боғлиқ бўлса, оригинал деб эътироф этилади.

Саноат намунасига тааллуқли ахборотнинг муаллиф, талабнома берувчи ёки улардан бевосита ёхуд билвосита шу ахборотни олган ҳар қандай шахс томонидан оммавий тарзда ошкор этилиши, агар саноат намунасига патент бериш ҳакидаги талабнома ахборот ошкор этилган санадан эътиборан кўпи билан олти ой ичида Агентликка топширилган бўлса, саноат намунасининг патентга лаёқатлилигини тан олишга таъсир кўрсатадиган ҳолат сифатида эътироф этилмайди. Бунда ушбу ҳолни исботлаб бериш вазифаси муаллиф, талабнома берувчи зиммасида бўлади.

Буюмнинг ташки куринишини ифодалайдиган бадиий-конструкторлик ечими саноат намуналари жумласига киради.

Шу қонуннинг 9-моддасида, ижодий меҳнати билан саноат мулки объектини яратган жисмоний шахс шу объектнинг муаллифи деб эътироф этилиши белгиланган.

Иш ҳужжатларини ўрганиш давомида, "ICE AND GOLD" МЧЖ чучвара махсулоти ишлаб чиқариш бўйича юзага келган низо туфайли Италиянинг "LB ITALIA" S.R.L. машинасозлик ширкатига қилган мурожаат юзасидан, ширкат томонидан "ICE AND GOLD" МЧЖ раҳбари А.Умедовга берилган жавоб хатида, ширкат томонидан тайёрланган ускуналарда ишлаб чиқарилаётган чучвара маҳсулотлари стандарт шаклда бўлиб, бирор-бир эксклюзив шакл ва кўринишга эга эмаслиги, 50 йилдан буён жаҳон бозорида танилган, паста, макарон ва чучвара маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ушбу ускуналар каталог оркали ишлаб чиқарувчиларга тақдим қилиниши, Ўзбекистон

Республикасидан бир нечта харидорлар ширкатдан чучвара ва ун махсулотларини ишлаб чикариш ускуналарини стандарт колип ва тамғалари билан сотиб олганлиги, ускунада ишлаб чикарилган махсулотларнинг барча белгилари, шунингдек, гул баргларига ўхшаш, четлари ярим айлана шаклдаги чучвара ускунанинг стандарт тамғали матрицей ва колипига жойлаштирилган бўлиб, чучвараниниг барча белгилари мажмуи, шу жумладан унинг ташқи кўриниши ва шакли тўликавтоматлаштирилган тарзда ишлаб чиқарилиши, ускуналарда ишлаб чикарилаётган чучвара махсулотлари, саноат махсулоти мулки объекти, кимнингдир интеллектуал ва ижодий меҳнати натижаси ҳисобланмаслиги, балки автоматлаштирилган техника воситаси ёрдамида ишлаб чиқарилган махсулот хисобланиши маълум килинди.

Агентлик томонидан, чучвара шаклига "саноат намунаси" сифатида патент беришда, юкорида қайд этилган конун нормаларида белгиланган талабларга амал қилинмаган, яъни саноат намунасининг оригинал экани, у хуқук берилаётган кунга қадар жаҳонда оммага ошкор қилинган маълумотларда қайд этилмагани, унга тааллукли ахборот муаллиф, талабнома берувчи томонидан оммавий тарзда ошкор этилган ёки этилмагани, ахборот ошкор этилган бўлса качон, унинг муддати, саноат намунаси сифатида патентга лаёқатли ёки лаёқатли эмаслиги ҳолатлари текширилмаган.

Бундан ташқари, Агентлик чучваранинг ушбу шакли 2011 йилда "FROZEN FOODS" МЧЖ томонидан Италиянинг "LB ITALIA" S.R.L. машинасозлик ширкатидан келтирилган ускунада автоматлаштирилган тарзда 2012 йилдан буён ишлаб чикарилаётгани, унда саноат намунаси сифатида баҳоланиши мумкин сифатлар мавжуд эмаслигини эътибордан четда колдирган.

"Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининнг 27-моддасида, саноат мулки объекта патента Апелляция кенгашига берилган апелляция бўйича исталган вақтда хукукий муҳофазанинг тўликҳажмида ёки унинг фақат бир кисми бўйича муҳофаза қилинадиган саноат мулки объекта патентга лаёқатлилик шартларига мос эмаслиги; ихтиро, фойдали модель формуласида ёки саноат намунасининг муҳим белгилари мажмуида талабноманинг дастлабки материалларида бўлмаган белгиларнинг мавжудлиги асосида ҳақиқий эмас деб эътироф эталиши мумкинлиги белгиланган.

Ўз ўрнида, агентликнинг Апелляция кенгаши хам, аризачининг важларини тўлик текширмасдан, Италиянинг "LB ITALIA" S.R.L. машинасозлик ширкатининг интернет тармоғидаги расмий сайтларида берилган эълон, маълумотларни атрофлича ўрганмасдан, "ICE AND GOLD" МЧЖнинг аризасини рад қилиш ҳақида барвақт хулосага келган.

Бундай ҳолатда, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги Апелляция кенгашининг 2017 йил 16 февралдаги карорини конуний деб ҳисобламаслик мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 12-моддасига кўра, давлат органининг ёки фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг конун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фукаронинг ёки юридик шахснинг фукаролик ҳукукларини ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Иктисодий процессуал кодексининг 73-моддаси 3-кисми талабларига кўра, фукаролик ишлари бўйича суднинг ёки маъмурий суднинг конуний кучга кирган ҳал килув карори бошка ишни кўраётган иктисодий суд учун фукаролик ишлари бўйича суднинг ёки маъмурий суднинг ҳал килув карорида аникланган ва ишда иштирок этувчи шахсларга тааллукли бўлган ҳолатларга доир масалалар бўйича мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Иктисодий процессуал кодексининг 118-моддасига мувофик, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг каноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Ҳал килув карори ўз фойдасига чиқарилган тарафга иш бўйича килинган барча суд харажатларининг ўрни, гарчи бошқа тараф давлат божини тўлашдан озод этилган бўлса хам ушбу бошқа тараф ҳисобидан копланади.

Ўзбекистон Республикаси Солик кодекси 330-моддаси талабларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва ракобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг худудий органлари — қўмита ваколатларига мувофиқ судларга бериладиган даъволар ва аризалар юзасидан иктисодий судларда давлат божидан озод этилган. Бирок ҳал килинаётган низо доирасида қўмита ушбу модда талабини истисно килади.

Суд юқоридаги ҳолатларни, шунингдек, иш учун аҳамиятли масалалар маъмурий суднинг ҳал килув қарори билан исботланганлигини инобатга олиб, даъвогарнинг даъво аризаси талабларини тўлик қаноатлантиришни, ишни кўриш билан боғлик суд харажатларини жавобгар зиммасида қолдирилишини лозим деб топади.

Юкоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Иктисодий процессуал кодексининг 68, 73, 118, 129, 176, 179-моддаларини қўллаб, суд

## ҚАРОР ҚИЛДИ:

Даъвогар "ICE AND GOLD" МЧЖнинг жавобгар Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва ракобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2015 йил 24 декабрдаги 15/19-23-сонли қарори ва ушбу карорни ижро этиш бўйича берилган кўрсатмасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво аризаси тўлик қаноатлантирилсин.

Жавобгар Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва ракобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2015 йил 24 декабрдаги 15/19-23-сонли карори ва ушбу карорни ижро этиш бўйича берилган кўрсатмаси ҳақиқий эмас деб топилсин.

Жавобгар Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва ракобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ҳисобидан Республика бюджетига 1.302.400 сўм миқдорида давлат божи ундирилсин.

Жавобгар Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва ракобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ҳисобидан "ICE AND GOLD" МЧЖ фойдасига 7.200 сўм почта харажатлари ундирилсин.

Ҳал килув карори конуний кучга киргандан сўнг ижро варака берилсин.

Ҳал килув карори тарафларга юборилсин.

***Мазкур ҳал қилув қарори устидан бир ойлик муддат ичида Тошкент шаҳар иқтисодий судига апелляция тартибида шикоят (протест) қилиниши мумкин.***

**Судья** ИМЗО **Ғ.Машкуров**

**Нусха аслига тўғри** **судья Ғ.Машкуров**